Норин тумани “Уч тепа” кишлоқ врачлик пункти 1996 йилда фельдшер-акушерлик пункти ўрнида ташкил қилинган, 15 хонадан иборат бўлган. 3 минг 256 нафар аҳолига 2 нафар шифокор, бири тоифасиз ва 8 нафар ўрта тиббиёт ходими, шундан 7 нафари тоифасиз ва 5 нафари малака оширмаган ҳолда тиббий хизмат кўрсатган. “Полвонқул” ва “Қозоқовул”



қишлоқ врачлик пунктларида ҳам ҳолат шундай бўлган.

Поп тумани “Тўда” қишлоқ врачлик пункти 1997 йилда қишлоқ врачлик амбулатория ўрнида ташкил қилинган. 12 хонадан иборат, 3 нафар шифокорнинг 2 нафари тоифасиз, 6 нафар ҳамширанинг 5 нафари малака оширмаган. “Пахта-канар” ва “Найман” қишлоқ врачлик пунктларида ҳам ҳолат яхши бўлмаган [4:37].

Хулоса ўрнида шунини айтиш муқимки истиқлолнинг дастлабки йилларида тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари етишмаслиги тизимдаги асосий муаммолардан бири эди. Мутахассис тиббиёт ходимларининг камлиги сабабли жойларда, айниқса, қишлоқ врачлик пунктларга келтирилган ультратовушли текширув, электрокардиограмма ва шунга ўхшаш тиббий аппаратлар ишлатилмаган. Олий маълумотли шифокорлар ёки ўрта махсус тиббиёт ходимларининг аксарияти малака ошириш ва қайта тайёрлов курсларидан ўтмаган. Бу борада амалга оширилган ислохотлар натижасида мавжуд муаммолар босқичма-босқич бартараф этилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 277-йиғмажилд, 31-варак.
2. НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 277-йиғмажилд, 34-варак.
3. НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 277-йиғмажилд, 36-варак.
4. НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 277-йиғмажилд, 36-варак.



**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА 2005-2010 ЙИЛЛАРДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович**

Андижон давлат тиббиёт институти бўлим бошлиғи,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.  
Телефон: +99893 442-52-00  
Abduraxmon777@umail.uz

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Фарғона вилоятида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш масалалари баёт этилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Фарғона вилояти, оналик ва болалик, тиббий хизмат.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш жамиятнинг энг муҳим ижтимоий вазифаларидан ҳисобланади. Инсон барча нарса ва кадрятларнинг бош мезони. Муаммонинг айнан мана шу жиҳати ижтимоий муносабатлар тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг илк палласида фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш, санитария-профилактика хизматини кучайтириш, сифат ва самарадорликни ошириш, айниқса, туғиш ёшидаги, ҳомиладор аёллар ва болалар ҳаётини муҳофазалаш масалалари устувор вазифалардан эди.

Фарғона вилоятида истиқлолнинг дастлабки йилида оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу рақам 24 тага, гўдаклар ўлими эса илгари 1 минг нафар чақалоққа 35 тадан 14 тага камайди [1:52].

Вилоят бўйича 2008 йилда туғилган 51 минг 120 нафар чақалоқлар неонатал скрининга текширилган бу кўрсаткич 2009 йилда 40 минг нафар чақалоқни ташкил қилди. Ҳудди шундай мос равишда биохимик скринингдан ўтказилган ҳомиладор сони 672 нафарга камайган. Кўрсаткичнинг салбий томонга ўзгаришга сабаб 2009 йилнинг июль, август, сентябрь ойларида Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан реактивларни етказиб берилмаганлиги натижасидир.

Бу даврда 52 минг 255 нафар, 2009 йилда 52 минг 477 нафар ҳомиладор аёллар УТТ текширувидан ўтказилган. 2008 йилда 203 нафар аёлларнинг ҳомиласи нуқсонли ривожланаётганлиги аниқланган бўлса, 2009 йилда 234 нафарининг ҳомиласи нуқсонли ривожланаётганлиги маълум бўлган. 2009 йилнинг июнь ойида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги 40 нафар ултра товушли текширув мутахассислари вилоят «Она ва бола» скрининг марказида «Ҳомиланинг ривожланишини ултра товушли текширувидан ўтказиш» мавзусидаги семинарда ва режа асосида амалиёт машғулотларида қатнашдилар [2].

Болалар ўртасида сил касаллигини аниқлашда туберкулин синамаси қўйиш муҳим аҳамиятга эга. 2008 йилда 180 нафар бемор аниқланган бўлса, 2009 йилда 57 та бемор аниқланди холос. Сотиб олинган туберкулин ҳам режада белгиланган болаларни қамраб олиш учун етарли эмас эди. Бешарик, Сўх, туманларида туберкулин синамаси умуман қўйилмаган. Режада белгиланган болаларни туберкулин синамаси билан қамраб олиш вилоятда 53,7 фоиз бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич Фурқат, Тошлоқ, Кува туманлари ва Қўқон шаҳрида ўртача 18,7 фоизни ташкил этган.

Ҳомиладорларни биринчи 3 ойиликгача ҳисобга олиш салмоғи 2009 йилда эса 89,1 фоизни ташкил қилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 425-сонли буйруғини амалиётга тадбиқ этилиши натижасида ҳомиладорликни эрта ҳисобга олиш фоизи ортиб борган. Бу мақсадда 2009 йилда Республика мутахассислари ёрдамида ҳар бир шаҳар ва тумандан 41 нафар тренерлар тайёрланиб, жойларда 1 минг 500 нафар бирламчи тиббиёт муассасаларидаги ходимлар ўқитилган.

Биринчи ва иккинчи туғруқлар салмоғи 2009 йилда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 76,2 фоизга кўтарилган. Бу никоҳларни қайд қилишнинг кейинги йилларда ортиб бориши, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида тиббиёт ходимлари томонидан туғруқларни оптимал 20-30 ёшда содир бўлишининг моҳиятини тушунтириб борилишининг асосий натижаси эди. Тўртинчи ва ундан юқори туғруқлар сони 2009 йилда 3 минг 279 тани ташкил қилган. Бундай туғруқлар аксарият оилаларда фарзандлар жинси билан боғлиқ ҳолатда содир бўлган.



Мутахассислар томонидан аҳоли ўртасида 30 ва ундан юқори ёшда фарзанд кўришнинг салбий оқибатлари тўғрисида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида бу кўрсаткич камайишига эришилган.

Вилоятда 35 ёшдан кейин фарзанд кўрган аёллар салмоғи 140 нафарга камайган. Вилоят бўйича 1 йилда икки маротаба фарзанд кўрган аёллар сони 217 нафарга ёки 30,0 фоизга камайган. Бу ҳомиладор ва янги туққан аёллар ўртасида «Ёш оналар мактаби» дастурининг фаол ишлаганлиги натижасидир. Вилоятда 2 йил ораликда фарзанд кўрган аёллар сони 2009 йилда 128 нафар ёки 3,5 фоизга ошган.

Барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. Мазкур йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланиб, 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди [3:114].

2010 йил давомида 70 минг 558 нафар ёки 2009 йилга нисбатан 3,2 фоизга кўп туғилиш рўйхатга олинган. Туғилиш кўрсаткичи ҳар 1 минг аҳоли сонига 22,2 нафарда 22,8 нафарга кўпайган. Бу кўрсаткич, Бешарик, Боғдод, Бувайда, Данғара, Сўх, Қувасой, Қўштепа, Учкўприк, Риштон ва Ёзёвон туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Вилоятда гўдаклар ўлими 14,7 нафарни ташкил қилди. Лекин, Қўқон шаҳри, Фурқат ва Риштон туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори эди. Оналар ўлими эса, вилоятда 30,6 нафарни ташкил қилган бўлса, Охунбобоев, Данғара ва Олтиариқ туманларида ўртача 66,5 нафарга тўғри келган.

Аҳолини табиий ўсиш кўрсаткичи ҳар 1 минг аҳоли сонига 16,6 фоиздан 16,7 фоизга кўпайган. Энг паст кўрсаткич Фарғона ва Қўқон шаҳарида ўртача 12,2 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич Бешарик, Бувайда, Боғдод, Сўх, Ёзёвон ва Охунбобоев туманларида ўртача 21,5 фоизни ташкил қилиб вилоят кўрсаткичидан юқори бўлди.

2010 йилда вилоятда 11 та оналар ўлими қайд этилган бўлиб, интенсив кўрсаткич 22,0 ни ташкил этган бўлса, 642 нафар 1 ёшгача бўлган болалар ўлими содир бўлиб, интенсив кўрсаткичи 13,2 га тенг бўлди. Фертил ёшидаги аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, болаларда ўткир респиратор инфекциялар ва диарея касалликларини олдини олиш, соғлом турмуш тарзи дастурларини ҳаётга тадбиқ этиш натижасида вилоятда гўдаклар ўлимини олдини олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган [2].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кейинги йилларда мамлакатда жумладан, Фарғона вилоятида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Олдинлари мавжуд бўлган ҳомиладорлик ва туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, туғруқхоналар, «Она ва бола» соғломлаштириш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби жиддий муаммоларга ижобий ечим топилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –Б. 52.
2. Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотлари.
3. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2011.



## ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЎН ЙИЛЛИГИДА ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович**

Андижон давлат тиббиёт институти бўлим бошлиғи,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.  
Телефон: +99893 442-52-00  
Abduraxmon777@umail.uz

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Фарғона водийси аҳолиси турли касалликларга чалиниши кўрсаткичи уларни камайиб ўсиб бориш динамикаси манбалар ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Фарғона водийси, юқумли касалликлар, гепатит В, юрак, қон-томир, сурункали касалликлар.

Ер юзида саратон ва юрак касалликлари каби юқумли бўлмаган касалликлар 19 миллион га яқин ёки умумий ўлимнинг 37 фоизини ташкил қилади. Бундай ўлимларнинг аксарияти катталар орасида. Вафот этганларнинг 16 миллион дан ортиғи ёки 80 фоизга яқини юқумли ва паразитар касалликларга тўғри келади. Сил касаллигидан 3 миллион га яқин, безгакдан 2 миллион ва гепатит В билан 1 миллион одам ҳар йили ҳаётдан кўз юмади.

Қон айланиш тизими касалликлари каби юқумли бўлмаган касалликлар дунё микёсида йилига 10 миллион ўлимга олиб келади. Уларнинг 5 миллион дан ортиғи юрак касалликлари ва яна 4 миллионни инсулт каби касалликлар ташкил этади. Гарчи яқин вақтгача биринчи навбатда катталарга таъсир кўрсатадиган юқумли бўлмаган касалликлар ривожланган мамлакатлар муаммоси сифатида қабул қилинган бўлса-да, юрак касалликлари ва инсултдан жами ўлимнинг қарийб 44 фоизи ҳозир ривожланаётган мамлакатларда рўй беради.

Бошқа юқумли бўлмаган касалликлар орасида сурункали бронхит ва ўпка касалликлари 1992 йилда қарийб 2,9 миллион ёки 6 фоиз инсонлар ёстиғини қуритди. Дунёда ушбу касалликлардан азият чекувчилар сони 600 миллион ни ташкил этади. Юрак ишемик касаллигидан кейин бу ЖССТ томонидан қайд этилган битта касалликка чалинган одамларнинг иккинчи энг катта тоифасидир [1:6].

Ўзбекистонда ўз салмоғи жиҳатидан энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган ва аҳоли орасида ўлимга сабаб бўлувчи касалликлардан бири бу қон айланиш аъзолари касалликлари ҳисобланади. Нафақат республикада, қолаверса, бутун жаҳон мамлакатларида ушбу гуруҳ касалликлари энг кўп учрайди. Биргина 1992 йилда республикада мазкур омил умумий ўлимнинг 43,3 фоизини, 1995 йилда 45,3 фоизини ташкил қилган.

Мазкур турдаги хасталиклар водий вилоятлари бўйича таҳлил қилинганда Андижон вилоятида бу кўрсаткич мамлакат ўртача даражасидан анча юқори бўлса, Фарғона вилоятида республика даражасига тўғри келган. Мамлакатда ўз салмоғи жиҳатидан кейинги ўринни эгалловчи нафас олиш аъзолари хасталиклари 1992 йилда 17,7 фоизни ташкил этиб, 1995 йилда 17,1 фоизга камайган. Бундай Наманган вилоятида юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги умумий кўрсаткич республика ҳолатига анча яқин эди.

Аҳолининг саломатлик ҳолатига кўра Наманган вилояти республикада ўзига хос хусусиятга эга бўлган. 1994 йилда вилоятдаги барча болаларнинг 73,4 фоизи соғлом бўлиб, республика ўртача кўрсаткичидан 19,3 фоизга кўп эди. Бу даврда вилоятдаги 6,9 фоиз болалар сурункали касалликларга чалинган ва мамлакат кўрсаткичидан 4,5 фоизга кам эди.

Барча касалликлар бўйича илк бор касаланганлар сони вилоят аҳолиси касалланиш жараёни ҳақида биринчи тасаввурни беради. Жумладан, Наманган вилоятида биринчи марта касалланганлар 1994 йилда ҳар 1 минг киши ҳисобидан 754 нафарни ташкил этган.

Ушбу жараён шаҳар ва қишлоқ аҳолиси таркибида ўз хусусиятларига эга. Масалан, касалланганлар салмоғининг катталиги бўйича Косонсой (737), Учқўрғон, Наманган шаҳарлари ажралиб турган. Бундай ҳолат, аввало аҳолининг зич ўрнашганлиги, атроф муҳит ҳолатларининг ёмонлашуви ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайиб бориши билан брғланган. Бу жиҳатдан қишлоқ туманлари орасида Норин, Янгикўрғон, Тўрақўрғон, Уйчи туманларининг улаши катта. Бинобарин, кейинги икки туман вилоят марказига туташ,





аҳолиси кўп ва ўта зич жойлашганлиги билан кўзга ташланади.

Илк бор касалланиш ҳолати 14 ёшгача бўлган болалар таркибида ҳам барча аҳолида кечадиган жараёнларга мос тушади. Масалан, бу даврда вилоят аҳолиси юрак, қон-томир, нафас олиш органлари касалликлари билан касалланиш кўпайган. Бу борада айниқса атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви оқибатида келиб чиққан ҳавфли ўсма касаллиги билан оғриганлар сони 3 минг нафардан ортиб кетган. Бу касалликка чалинганлар Чортоқ, Учқўрғон, Поп туманларида вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган. Шаҳарлар орасида эна Наманган ва Учқўрғон ажралиб турган [2:86].

Юқумли касалликлар тўғрисида гапирганда, Республикада 1996 йил давомида 428 та бўғма (дифтерия) касаллиги рўйхатга олинган. Бу даврда кўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида касаллик сони ортиб борган. Тиббиёт ходимларининг саъйи-ҳаракатлари, ҳовли айланиши, санитария-маориф ишларини кучайтириш, профессор олимларнинг ёрдами туфайли Андижон вилоятида бу касалликнинг 3 таси ҳисобга олинган, холос. Вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида анча ижобий ишлар амалга оширилди. Аҳолининг умумий касалланиш даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,5 фоизга камайди ёки ҳар 10 минг кишига 349 та касал тўғри келди [3:17].

Умумий касалланиш Андижон вилояти аҳолиси ўртасида 637,1 дан 505,1 га камайди. Бироқ, бу кўрсаткич вилоятнинг айрим туманларида вилоят кўрсаткичидан юқориликка қолган. Юқумли касалликлар орасида вилоят шаҳарлари ва туманлари аҳолиси ўртасида вирусли гепатит касаллиги 1995 йилда ўтган йилларга нисбатан 87,4 фоизга ортган. Бунинг боиси вирусли гепатит касаллиги цикл билан келувчи касаллик бўлганлиги туфайли ҳар 12-13 йилда бир марта кўпаяди. 1995 йилда бу касалликнинг кўпайиши режада кўзда тутилган эди. Касалликнинг келиб чиқишида аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги камчиликлар ҳам муҳим роль уйнайди. Бу даврда вилоят аҳолисининг 87,7 фоизи ичимлик суви билан таъминланган эди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида қарашли даволаш муассасаларининг асосий бурчи аҳоли ўртасида профилактика ишларни кучайтириб, ўз вақтида сифатли тиббий кўрик ўтказиш билан, касалликнинг бошланғич даврида аниқлаш ва соғломлаштиришдан иборат бўлди. 1995 йили бутун республикада бўлгани каби Андижон вилоятда касалликлар ичида нафас йўлларидаги касалланиши 1 ўринда турган.

Бунга асосий сабаб, нафас йўллари касаллиги гуруҳига барча ОРВИ касалликлари кириб, бу касаллик айниқса ташқи ҳаво ҳарорати паст бўлган вақтларда кўпайган. 2 ўринда овқат ҳазм қилиш органларининг касалланиши, 3 ўринни қон ва қон ишлаб чиқарувчи органлар касалликлари камқонлик - анемия эгаллаган.

Юқумли касалликлар ўртасида вилоят шаҳар ва туманларида вирусли гепатит касаллиги 1995-йилда, ўтган йилларга нисбатан 87,4 фоизга ортган. Бунинг сабаби вирусли гепатит касаллиги цикл билан кечувчи касаллик бўлганлиги туфайли, бу ҳар 12 - 13 йилда бир марта кўпаяди. 1995-йил истиқбол режасига кўра вилоятда бу касалликнинг кўтарилиши кўзда тутилган эди. Шунингдек касалликнинг кўпайишида аҳолининг сифатли ичимлик суви билан таъминланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу даврга келиб вилоят аҳолисининг 87,7 фоизигина, водопровод ичимлик суви билан таъминланган холос [3:30].

Республикада бу даврда захм ва сўзак (сифлис, гонорея) касалликларининг ҳам ортиб бораётганлиги кузатилган. Буни водий вилоятлари бўйича таҳлил қилсак, Фарғона вилоятларида бундай касалликларнинг ўртача кўрсаткичи республикага нисбатан жуда юқориликни кўришимиз мумкин. Шу билан бирга Наманган вилоятида бу ҳолат деярли республика кўрсаткичига анча яқин бўлган.

Фарғона вилоятида касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилганлиги сабабли юқумли касалликлар билан касалланиш йилдан-йилга камайиб борган. Сўнгги 3 йилда ичтерлама, вирусли гепатит, қизамиқ, ўткир ошқозон ичак касалликлари 20 фоизга камайган [4].

1999 йилда Саноат корхоналарида ишчилар орасидан 484 нафарда касб касаллиги қайд этилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 71 нафарга кўп эди. Касбий касалликлар этиологиясида иш билан боғлиқ муҳим омиллар шовкин, тебраниш, кимёвий моддалар, чанг ва аллергиялар киради. Касбий касалликлар орасида кохлеар неврит (30,9 фоиз), тебраниш касаллиги (17,3 фоиз), кимёвий захарланиш (15,4 фоиз), ва чангдан келиб чиққан бронхит (14,4 фоиз), периферик асаб тизимининг касалликлари (7,8 фоиз) каби касаллик тоифалари



етакчи ўринни эгаллаган [5:48].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкунки, ўрганилган даврда мамлакатда жумладан водий вилоятларида кўпайиб бораётган бир қатор жиддий касалликлар профилактикаси бўйича халқаро институтлар, нуфузли хорижий шифохоналар билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Forty - eighth World Health Assembly. 22 March 1995.
2. Назаров М.И. Қишлоқ жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг худудий ташкил этилиши. (Наманган вилояти мисолида): геог. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996.
3. ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 8-рўйхат, 31-жиғма жилд.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари.
5. Millennium development goals report. Uzbekistan 2006.



## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛГАН ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

**Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович**

Андижон давлат тиббиёт институти бўлим бошлиғи,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Телефон: +99893 442-52-00

Abduraxmon777@umail.uz

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Фарғона водийсида умумий касалланиш кўрсаткичлари, беморларни ОРВИ, Зотилжам, Бронхит ва бошқа хроник касалликларга чалиниши баён қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Фарғона водийси, Сарик касаллиги, ОРВИ, Зотилжам, Бронхит.

Мустақиллик йилларида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барчаси инсон манфаатига қаратилгандир. Мамлакат аҳолисининг фаровон ҳаёт кечириши, ўз ҳаётидан кўнгли тўлиб яшаши унинг соғлом бўлишига боғлиқ. Бу борада республикада бир қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, жойларда тиббий хизмат инфратузилмасини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлабки ўтиш даври ва истиклол йилларида мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими қандай бўлган? Мазкур йўналишда олиб борилган ислохотлар ҳамда соҳада йўл кўйилган камчиликларни биз диссертациянинг мазкур иккинчи бобида кўриб ўтамиз.

«Сарик касаллиги» деб ном олган хасталик шундай кучаяр эдики, касалхоналарга беморлар сиғмай кетарди. Беморларнинг фосфор-органик дефолиантлардан заҳарлангани ва беморларнинг сони махфий тутилган. Бундай ҳолат фақат Фарғона водийси вилоятларигагина эмас, балки бутун республикага хос эди. Бир ёшгача бўлган чақалоқлар ва туғиш вақтида вафот этган оналар ўлими статистикаси сир тутилган.

Ўз навбатида фуқароларга тиббий ёрдамни етарли даражада ташкил эта олмаганликлари учун вилоят тиббий кенгашининг қарори билан 28 нафар раҳбарга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиб, 6 нафари ишдан четлаштирилган. Дастлабки ўтиш даврида Фарғона худудида юқумли касалликлар билан касалланиш юқори бўлиб, кейинги йилларда ўтказилган тадбирлар натижасида паратиф касаллиги 50 фоизга, сальмонеллез касаллиги 16 фоизга, юқумли сарик касаллиги 15 фоизга, зардобли гепатит касаллиги 13 фоизга пасайган. Лекин аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, чиқиндилар учун канализация тармоқлари етарли даражада бўлмаганлиги оқибатида Ёзёвон ва Олтиариқ туманларида вилоят кўрсаткичига нисбатан юқумли сарик касаллиги билан касалланиш 1,5 баробар, Қува, Ёзёвон ҳамда Учкўприк туманларида юқумли ичак касаллиги билан касалланиш 1,5-2 баробар юқори бўлган [1:25].

Сўнги йилларда Андижон вилоятида бирламчи касалланиш кўрсаткичи ҳар 100 минг аҳолига нисбатан жами 50 минг 386,6 ни ташкил қилган. Бирламчи касалланиш структурасида нафас олиш аъзолари касалликлари 26,7 фоиз, қон ва қон яратиш аъзолари касалликлари 17,9 фоиз, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари 10,9 фоиз, жароҳатланиш, заҳарланишлар ва айрим ташқи сабаблар билан боғлиқ асоратлар 6,3 фоиз, сийдик – таносил тизими касалликлари 6,8 фоиз, қон айланиш тизими касалликлари 4,6 фоизни ташкил қилган.

Вилоят аҳолиси ўртасида умумий касалланиш кўрсаткичи ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 76 минг 583,6 ни ташкил қилган. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлардан ўсма касалликлари билан касалланиш 65,1 ни, наркологик касалликлар билан касалланиш 13,0 ни, рухий хасталиклар билан касалланиш 66,1 ни, сил билан касалланиш 33,8 ни ташкил қилди [2].

Фарғона вилоятида Аҳолини умумий касалланиш кўрсаткичи ҳар юз минг аҳолига 46 минг 659,0 ни, бирламчи касалланиш кўрсаткичи 21 минг 181,1 ни ташкил қилди. Бирламчи касалланиш кўрсаткичи вилоятда ҳар 100 минг аҳолига 49 минг 659,0 бўлгани ҳолда, Қувасой шаҳар, Риштон, Ўзбекистон ва Боғдод туманларида вилоят кўрсаткичидан паст бўлган.

Диспансер ҳисобидаги беморлар сони ҳар 1 минг аҳолига вилоят бўйича 26 минг 837,4 тага камайган. Бу кўрсаткич Қувасой шаҳри, Риштон, Сўх ва Боғдод туманларида вилоят



ўртача кўрсаткичидан паст эди.

Бу даврда 1 минг 116 нафар фаол сил аниқланиб интенсив кўрсаткич 28,6 ни ташкил этди. Бу кўрсаткич Ёзёвон, Риштон, Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара, Бешариқ туманлари ҳамда Қўқон шаҳрида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Лекин, Кува, Олтиариқ, Фарғона ва Бувайда туманларида ўртача 21,9 ни ташкил этган.

Ўсма касаликлари билан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 2 минг 694 нафар бўлиб, 2021 йилга нисбатан 0,6 фоизга ортган. Онкологик беморлар ўртасида бир йиллик ўлим кўрсаткичи 347 нафарни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич Ёзёвон, Боғдод ва Олтиариқ туманларида вилоят кўрсаткичидан паст бўлди. Лекин, Фарғона, Бешариқ, Учкўприк ва Риштон туманида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлди.

Профилактик кўрувда 1 минг 157 нафар 42,8 фоиз бемор аниқланган. Бешариқ, Риштон ва Данғара туманларида бу кўрсаткич ортган бўлса, Қўқон шаҳри, Ёзёвон, Бувайда ва Фурқат туманларида вилоят кўрсаткичидан паст бўлган.

14,0 фоиз беморларда касаллик 4-даражасида аниқланган бўлса, ушбу кўрсаткич Қўқон, Қувасой шаҳарлари ва Данғара туманида туманларда вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Кўрсаткич жихатдан аввалги йилларга қараганда яхши натижалар кўрсатган туман ва шаҳарлар ҳам бор. Масалан, Марғилон шаҳри, Қўштепа, Бувайда ва Риштон туманлари.

Захм билан касалланиш ҳар 100 минг аҳолига 5,8 га кўпайган. Ушбу кўрсаткич Фарғона, Қувасой, Қўқон ва Марғилон шаҳарлари, ҳамда Кува туманида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлди. Лекин, Бувайда, Сўх ва Учкўприк, Қўштепа туманларида вилоят кўрсаткичидан анчагина паст бўлди.

Сўзак касаллиги билан касалланиш 3,4 га камайган. Бу кўрсаткич Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари, Фурқат, Олтиариқ, Боғдод ва Риштон туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Учкўприк, Тошлоқ ва Данғара туманларида вилоят кўрсаткичидан анчагина паст бўлган.

Руҳий хасталиклар билан бирламчи касалланиш кўрсаткичи ҳар 100 минг аҳолига 110,9 га камайган. Ушбу кўрсаткич Боғдод, Кува, Фурқат, Қўштепа туманлари ва Тошлоқ туманлари, Қўқон, Фарғона, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлди. Лекин, Олтиариқ, Ўзбекистон, Сўх, Риштон, Бешариқ, Данғара, Бувайда, Учкўприк, Фарғона ва Ёзёвон туманларида вилоят кўрсаткичидан паст бўлди.

Алкоголизм билан бирламчи касалланиш 17,0 га камайган. Ушбу кўрсаткич Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Бувайда ва Данғара туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори. Кува, Қўштепа, Бешариқ ва Ўзбекистон туманларида вилоят кўрсаткичидан анча паст бўлган.

Наркомания билан бирламчи касалланиш 100 минг аҳолига 6,9 га кўпайган. Ушбу кўрсаткич Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ, Ўзбекистон, Ёзёвон, Тошлоқ ва Боғдод туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори. Лекин, бу кўрсаткич Сўх, Бувайда, Учкўприк, Бешариқ ва Данғара туманларида вилоят кўрсаткичидан паст бўлди [3].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкунки, ўрганилаётган даврда шифокорлар томонидан турли касалликларга мойиллиги бор беморни аниқлашда диагностик алгоритмга тўлиқ амал қилмаганликлари, беморларни ОРВИ, Зотилжам, Бронхит ва бошқа хроник касалликлар ташхислари билан даволанишларига самара бўлмагандан сўнг бошқа ташхис қўйишига сабаб бўлган ҳолатлари ҳам кузатилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. ФВДА, 1220-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғмажилд, 25-варак.
2. Андижон вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотлари.
3. Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотлари.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 3-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.08.2023

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000